

АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУН ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ЛИ ЮЛГОК ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14549424>

Сулаймонов Жасур Бахтиёрович

ТошДШУ Шарқ фалсафаси ва герменевтика

кафедраси мудури, доцент, фалс.ф.д. PhD

nihatchetin@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ислом тафаккурининг йирик вакили Абдураҳмон ибн Халдуннинг ижтимоий қарашлари ҳамда Чосон фалсафий тафаккурининг йирик вакили Ли Юлгокнинг ижтимоий қарашлари қиёсий таҳлили муҳокама қилинган. “Асабийя” категорияси Халдуннинг ижтимоий фалсафий қарашларида муҳим аҳамиятга эга. Ли Юлгок қарашларида конфуцийчиликни ислоҳ қилиш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: Ибн Халдун, “Муқаддима”, ёввойилик, таваҳхуш, ибтидоийлик, бадавия, тамаддун, хадаро, “асабийя”, Ли Юлгок ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар, анъанавий конфуцийчилик, “шоҳ йўли”, “инсонпарвар бошқарув” ва “ҳалққа муҳаббат”.

ABSTRACT

This article discusses the comparative analysis of the social views of Abdurrahman ibn Khaldun, a major representative of Islamic thought, and the social views of Li Yulgok, a major representative of Choson philosophical thought. The category "Asabiyya" is important in Khaldun's social philosophical views. Lee Yulgok's views suggest the reformation of Confucianism.

Keywords: Ibn Khaldun, "Introduction", wildness, tawahhush, primitiveness, Bedouin, civilization, Hadaro, "asabiyya", Li Yulgok moral and socio-political views, traditional Confucianism, "horn way", "humane management" and "to the people" love".

КИРИШ

Ибн Халдун ислом дунёсининг илмий ва ғоявий тарихида энг Таниқли шахслардан биридир. Бу шуҳрат, машҳурликни биринчи навбатда унинг китоби олиб келди. Бу китоб Шарқ ва ғарбнинг фикр осмонида бир ёрқин

юлдуз мисоли чарақлади. Бу китоб орқали Ибн Халдун бир янги йўл очдики, биринчи даражали файласуф-муаррих ва социология асосчиси деган унвонга сазовор бўлди¹. Иккинчи унвонни гарчи баъзи изоҳлар билан қабул қилиш лозим бўлса ҳам.

Ибн Халдун ўтган воқеаларни баҳолашнинг оқилона критерийларини кўрсатиш учун, унча ишонч туғдирмайдиган бир неча тарихий ривоятларни келтириб, муаррихнинг ростгўйлиги ва холислиги масаласини кўтаришдан аввал, бундай ривоятлардан фойдаланиш нималарга олиб келишини таъкидламоқчи бўлади.

Биринчи навбатда, Ибн Халдун тамаддуннинг асосий қонунлари ва унинг шаклланишини тадқиқ этишга қизиқади. У жамиятларнинг қай ҳолда ибтидоий кўчманчилик ҳаётидан юқори маданиятли ҳаётга ўтишини билишга ҳаракат қилади. Маълумки, мутафаккир турли хил давлатларда, жумладан, Андалузия, Ифриқия, Миср, Фарнота, Кастилия, Марокашда, шунингдек, Бану Ҳилол ва ад-Довудия каби араб ва барбар қабилалари ичида ҳаёт кечирган. Шунда у турли хил маданиятларни, яъни дабдабали, ҳашаматли шаҳар маданияти ва кўчманчиларнинг оддий ва қашшоқ ҳаётининг гувоҳи бўлди. Ибн Халдун бундан чуқур фарқларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида бош қотирди. Мутафаккир ушбу фарқларнинг уч сабабини кўрсатади: Биринчи сабаби, қабила ва оиланинг алоҳида аъзоларини боғлаб турадиган ҳиссиёт ва фикрлар моҳиятини акс эттирувчи психологик, руҳий ҳодисадир. Иккинчи сабаб, бу табиий ва географик шартлар билан, хунар, санъат, меҳнат тақсимооти билан узвий боғлиқ иқтисодий омилдир. Учинчи омил, бу ҳокимлар ва тобелар ўртасидаги муносабатлар, мулкни яратиш, ҳокимиятнинг шаклланишидан иборат сиёсий омилдир. Лекин Ибн Халдун юқоридаги фикрларни баён қилсада, ҳокимият ҳарактери ҳақида бу ерда сўзламайди.

Чугипха мактаби асосчиси Ли Йи (Юлгок, 1536-1584) неоконфуций фалсафасининг энг йирик вакили бо‘либ, кўриб чиқиладиган даврни яқунлайди. Ли Йининг фалсафий тизими классик хитой матнлари, Ли Хван, Дзен буддизми, Со Кён Док, Ло Тсин Шун ғоялари таъсирида шаклланган ва асосан синтетик хусусиятга эга.

Юлгок 1534 қилда Каннин шаҳрида олижаноб ва бой оилада туғилган. Унинг онаси Син Саимдан таниқли рассом, шоир ва хаттот, отаси саройда давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлаган, амакиси Ли Чи (0|7|) 1549-1551 йилларда Корея давлатининг ҳукумат бошлиғи бўлган. Син ҳомиладор бўлганида, у оқ аждаҳо ҳақида ажойиб туш кўрди ва тушни ўғли учун буюк келажакни башорат

¹ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Исломи тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 241-бет

қилиш деб изоҳлади. Син фарзандининг таълим олиши учун жуда катта эътибор билан ҳаракат қилди. Юлгок етти ёшида конфутсийликнинг барча 13 мумтоз асарини, "Ўн уч қонун" асарларини ўқиди. У 13 ёшида расмий лавозимни олиш учун биринчи имтиҳондан ўтади. Юлгок 16 ёшда бўлганида онаси Син Саимдан вафот этади. Син Саимдан Кореяда ҳали ҳам она севгиси ва ғамхўрлиги рамзи бўлиб қолмоқда.

Онаси вафотидан кейин Юлгок уч йил давомида Кумгансан тоғларига таркидунёчилик қилиб кетади ва бу ерда Конфутсий анъаналарига эга бўлган оила учун жуда ғайриоддий бўлган буддизмни ўрганади. Бироқ, қайтиб келгач, у ўзини яна Конфутсий таълимотларига бағишлайди. 22 ёшида Юлгок уйланади. Кейинги йили у Конфутсий олими Ли Хванга шогирд тушади. Ли Хван Андон шаҳри яқинидаги академиялардан бири бўлган Досан Сеовоннинг раҳбари эди. Кейинги йилларда Юлгок барча давлат лавозимларини алмаштириш учун имтиҳонларни имтиёзли диплом билан топширади. Унинг битирув малакавий иши бўлган "Самовий йўл китоби" (천도책) тезиси Кореяда XVI аср адабий ижодининг намунаси ҳисобланади. Унда олим Конфутсий таълимотига асосланган тарих ва давлат бошқаруви санъати ҳақидаги ва даочилар таълимотига оид ўз мулоҳазаларини баён қилади. Йигит 26 ёшга тўлганда, отаси ҳам вафот этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ибн Халдун инсон ибтидосининг ҳайвонот олами ичида булган вақтини ёввойилик (таваҳхуш) деб аташган. Инсон табиат кўйнида фаолият юритар экан, кичик жамиятларга (ижтимо) уюшиб яшай бошлашди. Ижтимо бу жамият, у ўз тараққиёти даврида икки босқични ибтидоийликни (бадавия) ва тамаддун (хадаро) босқичларини босиб ўтади². Яъни, Ибн Халдун жамиятни икки турга бўлади: маданий бўлмаган (яъни ёввойи) жамият ва маданий (яъни шаҳар) жамияти. Унинг фикрича, инсон табиатига кўра жамият ичига яшашга мажбурдир. Шунингдек, Ибн Халдун жамият шаклланиши ва яшашида диний алоқаларнинг мавқеини пасайтиради.

Ибн Халдун фикрича, ижтимоий тартиб-интизомни тиклаш ва жамиятни идора этиш табиий ҳодисадир. Бу ҳодисага ҳеч қачон пайғамбарликнинг барҳақлигини исботлаш далили деб муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак. Сабаби, инсонларнинг жамоа бўлиб яшаши, пайғамбарсиз ҳам мавжуд булиши мумкин, бундай жамиятлар пайдо бўлган ва бўлмоқда.

² Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1. с. 94

«Муқаддима»нинг иккинчи қисмида ёввойи жамият тадқиқига оид фикрлар баён этилган. Бу қисмида бир неча боблар бўйлаб бундай жамиятларнинг табиийлиги, ёввойилик руҳи арабларга хослиги ва ёввойи жамиятнинг маданий шаҳар жамиятига нисбатан бирламчилиги ҳақида гапирилади. Ибн Халдун ошкор баён этади: “Инсоният жамиятининг илдизи ва асослари саҳродаги ёввойи ҳаёт тарзидадир. Бу шунинг учунки, бадавийлар ҳаётни инсонинг энг асосий эҳтиёжлари чорчўбасидан ташқарига чиқмайди, ҳолбуки, шаҳар ҳаёти биринчи даражали зарурати бўлмаган нарсаларга эгалик қилиш иддоаси ва истаклари оқибатидир, ҳамда унинг натижасида пайдо бўлган хийла тараққий этган даврдир. Биринчи даражали аҳамиятга молик зарурий нарсалар ҳаётда бўлмаса ҳам, аммо умр ўтказиш мумкин бўлган нарсаларга нисбатан бирламчи эканлиги сабабли, бадавийлик (кўчманчилик) ҳаёти амалда дарахтнинг илдизига ўхшайди, шаҳар ҳаёти эса унинг шохларидир”³.

Юқорида таъкидлаганидек, жамият ривожидан икки босқич бор: ибтидоий (бадавия) ва тамаддун (хадаро). Ушбу босқичлар бир-биридан яшаш учун бўлган воситаларнинг характериға кўра фарқланади, яъни ибтидоийлик зироаткорлик, чорвачилик, термачилик, овчилик билан изоҳланса, тамаддун уларни тўлдириб келувчи ҳунарлар ва савдо билан изоҳланади. Шунингдек, улар истеъмол характериға кўра ҳам фарқландилар. Ибтидоийликда одамлар зарур неъматларни истеъмол қилса, тамаддун ҳолатида эса «фойда келтирувчи» ва «нозарурий неъматлар» билан ҳам кифоятланмайдилар. Бу шунинг учунки, одам меҳнат тақсимооти натижасида “ортиқча маҳсулот” ишлаб чиқара бошлади⁴.

Ибтидоийлик ва тамаддун инсоният жамиятининг сифат жиҳатдан фарқли бўлган икки босқичдир. Бу икки босқич ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин жойда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан: Арабистон ярим оролидаги кўчманчи қабилалари ва Меспотамия қадимий тамаддуни.

Юқоридагиларни мисол келтирган ҳолда, Ибн Халдун ибтидоийликдан тамаддунга ўтиш жамиятининг ички ривожидан, ҳамда бошқа ҳудуд ҳосиласини забт этиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди. Юқоридаги ҳолга қийёслаган ҳолда, Ибн Халдун жамият ҳаётини қишлоқ ва шаҳар ҳаётиға бўлади. У бу ҳақда шундай дейди:

“Қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаётининг асоси, пойдеворидир. Бирор бир шаҳар аҳолисини ўрганар эканмиз, уларнинг аجدодлари шаҳар атрофидаги ёки шу

³ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислам тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 249-бет

⁴ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 94

ернинг ўзидаги қишлоқдан бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хулоса қилсак бўладик, шаҳар ҳаёти шакли, қишлоқ ҳаёти шаклининг сўнгги босқичи демакдир”⁵. Ибн Халдун шаҳарда меҳнат шаклининг ташкил этилишини ишлаб чиқаришнинг олий юксак формаси деб билган. Шаҳар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида моддий ва маънавий қадриятларни шакллантириш усуллари мукаммалашади, инсон эса жамият ривожини юқори поғоналарига кўтарилади.

Ишлаб чиқариш қуролларининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши маҳсулот айирбошлаш имкониятларини кенгайтиради.

Инсон меҳнат қилар экан, жамоа ишлаб чиқариши натижасида фойда ва истеъмолдан ташқари маҳсулот ортиб қола бошлади. Ибн Халдун инсон меҳнати натижасида жамият тараққиётининг асосий омили бўлган ортиқча маҳсулот пайдо бўлди дейди. Шунингдек, мутафаккир қиймат тушунчасига ҳам катта аҳамият беради. Ибн Халдун қиймат тушунчасига қишлоқ хўжалигини, хунанмандликни ва савдони ҳаракатлантирувчи жамият меҳнатининг ифодаси сифатида қарайди⁶.

Ибн Халдун инсон ишлаб чиқарувчи ва мулкдор бўлгандагина, ижтимоий мавжудот бўла олади деб ҳисоблайди. Мулкка эгалик ҳуқуқини мутафаккир, инсоннинг муқаддас ҳуқуқларидан биридир деб ҳисоблайди. Ибн Халдун жамиятининг шаклланиш жараёнини одамларнинг хусусий мулкчилик ҳуқуқини таъминлашга боғлиқ бўлган иштиёқ билан боғлади. Ҳақиқатдан ҳам, шундай гап бор: Хусусий мулкчилик ибтидоий жамоа тузумининг гўркови, давлатчиликнинг асоси бўлди. Ибн Халдун кимки мулкчиликни қўллаб-қувватласа, у адолатлидир деб билади⁷.

Ибн Халдун жамият ҳақида фундаментал фикрларини давом эттиради. Мутафаккирнинг фикрича, таассуб жамият ҳаётининг асоси, яъни пойдеворидир⁸. “Таассуб”, “асабийя” атамалари араб тилидан келиб чиққан. “Таассуб” сўзи, “таассаба” V боб феълининг масдар шаклидан бўлиб, таржимаси «Ватан, миллатга бўлган оташин муҳаббат, фанатизм» демакдир.

Ибн Халдун «асабийя» атамасини қуйидаги маъноларда қўллайди:

1. Қон -қариндошлик алоқаси .
2. Қон-қариндошлик муносабатлари орқали боғлиқ бўлган одамлар гуруҳи.

⁵ Кубаева Г., Кушанов Ш. С. Идея историко-философии Ибн Халдуна.// www.ncstu.ru

⁶ Ўша манба

⁷ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1. с.94

⁸ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислому тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 250-бет

3. Қон-қариндошлик асосида шаклланган бирдамлик ҳиссиёти⁹. Ибн Халдун ижтимоий ҳаётини тартибнинг бўртиб турувчи ўзак омили таассуб деб билади. Энди «асабийя», яъни «таассуб» тушунчасининг моҳиятини ва жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганиб чиқамиз.

Жамият ибтидоийликдан тамаддунга ўтар экан, шу билан бир вақтда, бу жараён ибтидоий демократия ва тенгсизлик муносабатларидан бўйсуниб, бошқариш муносабатларига ўтишини ҳам ўзида ифода этади. Ибтидоийлик босқичида одамларни боғлаб турадиган муносабатларни Ибн Халдун «асабийя» деб номлаган¹⁰. Бу тушунча қабила, уруғ ва уларнинг бирлашмаларини ўзида ифода этади. Бошқа жихатдан, «асабийя» одамлар ўртасидаги қон-қариндошлик муносабатлари асосида шаклландиган алоқадир. Бу фақат бир қабила ёки уруғни бирлаштирадиган «қон садоси» эмас. Одамларнинг бирлашмалари уруғни, қариндошликни англашга олиб келади. Бу бирлашма, иттифоқлар турли хил шаклларни ўзида ифода этиши мумкин: Хилф (бир қанча уруғ ва қабилаларнинг иттифоқи), истисно (натурализация яъни бегоналарни қабилага қабул қилиш), рикқ (қулчилик, тўғрироғи чет элликларга ҳомийлик) “вила” ёки “вилая” (бутун бир уруғ ёки қабилага ҳомийлик)¹¹. Шундай қилиб, “асабийя” қон-қариндошлик, иттифоқ алоқа бирлигидир. У яъни, “асабийя” типидagi гуруҳлар ичидаги бошқарув оқсоқоллар томонидан бошқарилар эди. Оқсоқоллар ҳокимияти жамоа олдидаги ҳурматга асосланади. Жамоа мудофааси ёш ва кучли гуруҳ томонидан ташкил қилинади. Нисбий тенглик муносабати ҳомийлик остидагилар, қулар ва иттифоқчиларга ҳам тадбиқ этилади¹². Расман улар “асабийя”нинг тенг ҳуқуқли қисмини ташкил этарди, лекин амалда уларнинг қабила ичида ҳуқуқлари чекланган эди. Қабилага қабул қилинган (мулсақ) қабила йўлбошчиси бўлиши мумкин эмас эди, чунки қабила оқсоқоллиги “нисаб” оқсуяк оилалар ичидаги ворисликка қараб белгиланар эди. Асабия муносабатлари нисбатан тенгликка асосланганлиги учун, у нотенг муносабатларга айланиши мумкин эди. “Муқаддима” муаллифи ҳамма аъзоларининг тенглигига асосланган “асабия” гуруҳларининг бирлиги ва бошлиқнинг шахсий сифатларига асосланган бошқарувнинг зарурияти ўртасидаги диалектик боғлиқликка урғу бериб утади. Ибн Халдун жамоадаги йўлбошчини “матбу”, яъни “зўрликсиз бошқарувчи киши” деб атади¹³. Ўзини

⁹ Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введения». М., 1965 г., с. 570

¹⁰ Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 45-бет

¹¹ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 95

¹² Ўша асар, 95-бет

¹³ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 96

бошқарув эса тенгсизликка асосланади, чунки раҳбарлик қилиш мажбурлашни талаб қилади. Уруғ ўртасидаги алоқалар кучли бўлсада, секинлик билан “раҳбарлик-эргашиш” муносабати “хукмронлик-тобелик” муносабатига айланади. Лекин нима учун уруғ, раҳбариятнинг нисбий танглиги, бошқалар устидан хукмронликка айланади? Бунга жавобни биз “асабийя”нинг антитезаси, яъни “қарама-қарши” тушунчаси “мулк”ни ўрганиб чиқиб топамиз.

Ибн Халдун мулк тушунчасини икки хил маънода “ҳокимият-мулк” ва “ер-мулк” маъноларида ишлатади. Ибн Халдун таассубга таъриф бериб, шундай дейди:

“Одамлар ўртасидаги қон-қариндошлик алоқалари, баъзи ҳолларни истисно қилганда, бу табиий ҳодиса, бундан кишининг қариндошлари ва яқин кишилари ҳаёти, мол-мулки, ор-номусига тажовуз ва хавф таҳдид солганда, ғамхўрлик қилиши келиб чиқади”¹⁴.

Маълумки, қон-қариндошлик ва уруғ қабилачилик муносабатлари баъзан шунчалик яқин бўладики, биргина шунинг ўзи бирлашиб кетишга сабаб булади, баъзан эса муносабатлар узоқ бўлсада, аммо қабилачилик манфаатларининг мос келиши бутун бир халқнинг якдил бўлиб бирлашишига сабаб бўлади. Дўстлик муносабатлари ҳам шундай. Ибн Халдун мустаҳкам қон-қариндошлик алоқалари намунасини бадавий арабларда ва бошқа кўчманчиларда кўриши мумкин. Чунки уларнинг ҳаёт тарзи уруғ ва қабилалар аро никоҳлар натижасида наслларнинг аралашиб кетиши, қариндошлик ипларининг узилишига моненьлик қилади деб ишонади¹⁵.

29 ёшида Юлгок давлат хизматидаги киради, турли вазирликларда ишлайди. Бу даврда у келажакда шоҳ бўлган ёш Шаҳзода Сонжо билан ўқитувчи бўлиб хизмат қилади ва Қирол Менджон хукмронлигининг йилномаларини тайёрлашда иштирок этади. 1568 йилда Қирол Сонжо тахтига ўтиргандан сўнг, Юлгокни элчи сифатида Хитойга юборади.

40 ёшида Юлгок ўзининг улкан билими ва қиролга таъсири туфайли Корея сиёсий ҳаётидаги марказий шахслардан бирига айланади. Бироқ, 1576 йилдан кейин, сарой гуруҳлари ўртасидаги зиддият кучайиб, қирол Сеонжо бир қатор масалаларда мурасасиз позитсияни эгаллаганида, Юлгок унга турли суд гуруҳлари манфаатлари ўртасида маневр қилиш тобора қийинлашиб бораётганини тушунди. Тухмат қилинган салафи, маслаҳатчиси Чжу Хван қатл этилгандан сўнг, Юлгок истеъфога чиқади ва қироллик саройини тарк этиб, ўз

¹⁴ Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 50-бет

¹⁵ Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. Т.: “Минҳож”, 2003 й., 251-бет

шаҳрига кетади. Кейинги йилларда Юлгок ўқитувчи сифатида кўп ишлади, бир қанча китоблар ёзди ва илмий тадқиқотлар олиб борди.

Олим 45 ёшида пойтахтга қайтиб, қатор вазирлик лавозимларида ишлайди. Бу даврда Юлгок ўзининг замонавий жамиятининг сиёсий ҳаёти, мураккаб сиёсий зиддиятларни ҳал этиш санъати ҳақида ҳам кўплаб мақолалар ёзган. Бироқ қирол Сонджо юзага келган долзарб масалаларни ҳал қилар экан, яна Юлгокнинг маслаҳатига қарши куч билан ҳаракат қилишни афзал кўрди. Бу олимни ўзи учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатларга йўл қўймаслик учун яна ҳовлини тарк этиб, кетишга мажбур қилди. Юлгок бир йилдан кейин 1584 йилда вафот этди.

Юлгок нафақат файласуф олим, балки замонавий жамиятнинг ислохотчиси ҳам эди. XVI асрдаги Корейнинг яна бир йирик янги конфуцийчилик таълимоти вакили Ли Хвангнинг таълимоти билан солиштирганда, унинг ҳодисаларнинг сабабини тушуниш усули энг қизиқ. Бир қатор масалалар бўйича - биринчи навбатда коррупцияга қарши кураш бўйича иккаласининг позициялари ўхшашлигига қарамай, уларда сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Конфуцийликда иккита кутб тушунчаси мавжуд: Ки (кенг маънода - ҳаёт энергияси ёки ҳақиқат) Лига (кенг маънода - асосий тамойилларга) қарши туради ёки уни тўлдирди ва аксинча.

Ли Хван учун Ли кутбларнинг энг муҳими. Юлгокда биринчи ўринни ҳаётининг энергия Ки эгаллайди. Ли Хван учун қоидаларга қатъий риоя қилиш ва принтсипларга содиқлик инсон ҳаёти ва хатти-ҳаракатларида катта рол ўйнайди. Юлгок сингари, шунинг учун у қирол саройида душманлар ва ёмон ниятлилар томонидан кўплаб ҳужумларга дучор бўлган, турли фитналар қурбони бўлган.

Ли Хван учун қоидаларга қатъий риоя қилиш ва принтсипларга содиқлик инсон ҳаёти ва хатти-ҳаракатларида катта рол ўйнайди. юлгок сингари, шу сабабли у қирол саройида душманлар ва ёмон ниятлилар томонидан кўплаб ҳужумларга дучор бўлди, турли фитналар қурбони бўлди, натижада у ҳам истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Шу билан бирга, ундан фарқли ўлароқ, Ли Юлгок дипломатик йўл тутди, мослашувчанлик кўрсатади ва хизматни ўз ихтиёри билан тарк этади, подшоҳ назаридан четда қолмайди ва вақтни ўзи учун қулайроқ деб билса, яна унга қайтади.

Ли Хван одамларни табиатан ёвуз ва номукамал, ёмон фуқаролар деб ҳисоблайди. Таълим-тарбияда тамойилларга қатъий риоя қилиш ва жазоларни қўллаш орқалигина инсон табиатини яхшилаш мумкин. Бадавлат хонадонда улғайган, туғилганиданок атрофи фаровонлик ва оналик меҳри остида бўлган Ли Юлгок, асосан, инсонни меҳрибон деб билади. У одамларнинг ёмон хулқ-атвори ва жиноий хатти-ҳаракатларини қийин ҳаётининг вазиятдан, муҳтожликдан

ва бошқа офатлардан олиб чиқади. У одамларнинг ҳаётини осонлаштириб, уларни Яхшилик томонга буриш мумкин деб ҳисоблайди. Бу ишонч, афтидан, онаси вафотидан кейин тоғларда буддизмни уч йиллик ўрганиш натижасида ўрганган ғояларини акс эттирган.

Ли Хван принципларни биринчи ўринга қўяди, Ли Юлгок идеалларни биринчи ўринга қўяди.

Ли Юлгок ташқи сиёсат масалаларида ҳам узоқни кўра билиши билан машҳур. Шундай қилиб, у Япония билан яқинда юзага келиши мумкин бўлган можарони тахмин қилиб, Корея армиясини зудлик билан кучайтириш ва сонини оширишни таклиф қилди. Бироқ сиёсатчининг бу борадаги барча таклифлари қироллик саройи томонидан эътиборга олинмади. Ли Юлгокнинг кўркуви ўлимидан бир неча йил ўтиб ажойиб тарзда тасдиқланди. Япония қўшинларининг Корея жанубига қўниши билан унинг учун энг қийин Имдин уруши (1592-1598) бошланди, натижада Япония дастлаб ушбу мамлакатнинг деярли бутун худудини эгаллаб олди.

Ли Юлгок ўзининг 193 та асарини 276 марта нашр этган ва кейинчалик олти тилга таржима қилинган. Улардан энг муҳимлари: Шарқий денгизга оид саволлар ва жавоблар (동 등); (дабали); "Ўн минг сўздан иборат эслатма. Конфутсий та'лимоти ва о'з-о'зини ривожлантириш бо'йича тавсиялар ва ҳукуматнинг хатти-ҳаракатлари учун ахлоқий қоидалар" (사사); (даежоу); "Дононинг энг муҳим кузатиши. Конфуций этикаси асослари, ўз-ўзини тарбиялаш ва давлат бошқаруви асослари (성학집요); "Жаҳолатни қандай енгиш сири ҳақида. Ўқитиш бўйича тизимли қўлланма" (격몽요결). (гаганге). "Шарқий денгиз ҳақида саволлар ва жавоблар" (동 등);

Юлгокнинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий таълимотлари анъанавий конфутсий ахлоқига ва ўша даврдаги кўплаб корейс олимларига хос бўлган қарашларга асосланади, улар "қироллик йўли", "инсоний ҳукумат", "халққа муҳаббат" ва ҳоказо тушунчалар билан боғлиқ. Жамиятнинг муҳтожларга ёрдам бериш учун йўқ қилиниши керак бўлган асосий иллатларни ҳамда тўсиқ бўлаётган бешта ёмонликни кўриб чиқди: 1) Ўзаро жавобгарлик тизими, бунда биров томонидан тўланмаган солиқ ва йиғимлар унинг қариндошлари ва қўшниларига юкланиши, 2). Ҳаддан ташқари солиқлар ва йиғимларнинг кўплиги, 3). Назр қилиш амалиёти, 4). Жамоат ишлари, 5). Мансабдор шахсларни товламачилик ва пора олиши. Буларнинг барчаси халқ зиммасига ҳаддан ташқари юк бўлиб, деҳқонлар уйларини ташлаб, қишлоқлар бўшаб, мамлакат вайронага айланмоқда. Кўзғолон ва жиноятларнинг сабаби инсоннинг

асл “ёмон табиати” эмас, балки халқнинг оғир аҳволдир. Шундай экан, ислохотлар замон талабидир. “Аждодлар қонунлари”ни ўзгартириш керак, акс ҳолда давлат йўқ бўлиб кетади.

ХУЛОСА

Ибн Халдун “Муқаддима”сида мулкнинг шаклланишини ёки қабила аъзолари ўртасидаги мулкӣ ва тенгсизлик муносабатларини очиб берди. Ибн Халдун тамаддун ва “ҳокимият-мулк” ўртасидаги алоқага аҳамият берди. Агар ибтидоийлик ва тамаддунни диахрон, яъни бирин-кетин келадиган босқич, ёки синхрон, яъни бир вақтда мавжуд сифатида қараса, тамаддунга ўтиш омили мулкнинг шаклланишидир. Шундай қилиб, асабийя аҳир оқибат мулк шаклланишига олиб келади, шунингдек қабила ёки уруғда ҳукмронлик ва тобелик муносабатларини вужудга келтиради¹⁶. Ибн Халдун мулкнинг нафақат ортиқча маҳсулотнинг вужудга келишининг натижаси, балки одамларнинг ҳокимият, бойликка бўлган табиий интилиши натижаси ҳам деб билади.

У ҳолда, тарихни мулкни бир субъектдан иккинчи субъектга ўтиш жараёни ёки қайта тақсимоти дейиш мумкин¹⁷. Бу тақсимот ибтидоийликдан тамаддунга ўтиш чоғида, масалан, кўчманчилар томонидан “маданий” инсонларга тегишли мулкнинг эгалланишида рўй беради. Лекин тамаддун ортиқча маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши натижасида яшашда ва ривожланишда давом этади. Шунинг учун мулк янги таассуб вакиллари ўртасида тақсимлансада, тамаддун сингари фақат ўсиш ҳолатида бўлади.

Юлгок ислохотлари ўзаро жавобгарлик тизимини бекор қилиш, солиқларни камайтириш, ерларнинг бир ҳовуч аристократлар о‘ртасида концентрациясини тўхтатиш, қулларнинг бир қисмига эркинлик бериш, порахўрларга қарши кураш, аҳоли эркинлигини таъминлаш қабилардан иборат эди. Бундан ташқари мунтазам армия яратиш, мамлакат мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш ва конфуций қишлоқ жамоасини яратиш ҳам шулар жумласидандир. Ли И ижтимоий-сиёсий қарашларининг муҳим таркибий қисми миллий тотувлик ҳақидаги таълимотдир. Бу таълимотга кўра, миллий тотувликка ихтиёрий равишда, барча жамоат фикрлари уйғунлиги орқали эришиш мумкин. Файласуф давлатнинг яшовчанлиги миллий розиликда, жамиятнинг яшаб қолиши, албатта, ана шундай жамоат розилигига эришиладими ёки йўқлигига боғлиқ деб ҳисоблаган.

¹⁶ Игнатенко А. А. Ибн Халдун о природе государства// Народы Азии и Африки, 1984 г. №1., с. 96

¹⁷ www.trincoll.edu/depts/phil/philo/phils/muslim/khaldun.html

Кореянинг ижтимоий-фалсафий қарашларида бир-бирига қарама-қарши мактабларнинг пайдо бўлиши аввал мавжуд бўлган фалсафий йўналишларга тўсиқ бўлмади.

Абдурахмон ибн Халдун ижтимоий қарашларида қон-қардошлик тамойилларини жамият ва давлат ривожланишинининг асоси сифатида мулоҳаза юритса, Ли Юлгок конфуцийчилик асосидаги ахлоқий тамойилларни жамият ва давлат тараққиётининг асоси сифатида мулоҳаза юритади.

Ибн Халдуннинг жамият ҳақидаги қарашларининг объектив хусусияти бизнинг давримизга келиб, унинг қийматини ошириб юборди. Мутафаккирнинг жамиятнинг вужудга келиши, тараққиёти, тузилмалар тўғрисидаги фикрлари, иқтисодий асослари, географик омилларга оид қарашлар, унинг рал ҳаётдаги кузатувлари натижаси десак хато бўлмайди.

Унинг қарашлари турли оқимлар томонидан турлича талқин қилинган. Ибн Халдунни хатто жамият ривожининг циклик характери, сабаб-оқибат муносабатлари, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига доир фикрлари сабаб, “Араб Маркси”, “Марксгача бўлган марксист”, “Араб Монтеस्कьеси” деб аташди. Лекин Ибн Халдуннинг жамият ҳақидаги қарашларида циклик ривожланиш назариясининг Европадан аввал, XIV асардан илгари сурилганлиги диққатга сазовордир.

Юлгокнинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари анъанавий конфуцийчилик “шоҳ йўли”, “инсонпарвар бошқарув” ва “ҳалққа муҳаббат” каби тушунчалари билан боғлиқ бўлган маънавият ва ахлоқ қоидаларига асосланади. Ли И жамиятдаги асосий беш нуқсонлар сифатида: Тўланмаган қарзлар ва турли айбларни қариндош ва қўшнилларга юклатиш тизими; чегарасиз божлар ва поралар; тортиқ ва совғалар анъанаси.; раҳбарларнинг порахўрлиги ва бошқаларни кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси ҳалқнинг елкасига юк бўлиб тушади, деҳқонлар ўз турар жойларидан кетадилар, қишлоқлар ҳувиллаб қолади, мамлакат инқирозга юз тутади. Қўзғолон ва жиноятлар кучайишининг сабаби айримлар айтганидек, инсон феълидаги азалдан мавжуд “ёвузлик” эмас, балки ҳалқнинг айнан шундай ночор ахволга тушишидир. Шу боис ислохот - давр талабидир. “Ота боболар қонуни”ни ислоҳ қилиш лозим, акс ҳолда давлат инқирозга қараб юз тутади. Юлгок ислохотларига қарзларни қариндош ва қўшнилларга юклатиш тизимини йўқ қилиш, солиқларни камайтириш, олий табақа вакиллари тасарруфидаги ерларни камайтириш, қулларга қисман озодлик бериш, порахўрликка қарши курашиш, сўз эркинлиги, доимий ҳарбий хизматни жорий қилиш, конфутсиячиликка асосланган қишлоқ жамоасини ташкил этиш кабилар кирган.

REFERENCES

1. Sulaymonov, J. (2021) ABDURAHMON IBN XALDUNNING TAMADDUN TARAQQIYOTI HAQIDAGI QARASHLARIDA JAMIYAT TAHLILI//*Academic Research in Educational Sciences*, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
2. Sulaymonov, J. B. (2021). IBN XALDUNNING „MUQADDIMA “ASARIDA JAMIYAT TARAQQIYOTIGA TA’SIR QILUVCHI OMILLAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 732-737.
3. Sulaymonov, J. Karimov, N. Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith // *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)* ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1, November, 2019. P. 593-599.
4. Sulaymonov, J. B. (2021). ABU ZAYD ABDURAHMON IBN XALDUNNING „MUQADDIMA” ASARIDA DAVLAT TUSHUNCHASIGA YONDASHUVLAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 9-14.
5. Sulaymonov, Jasur (2024). IBN XALDUN MA’NAVIY MEROSIGA DOIR MULOHAZALAR. *International scientific journal of Biruni*, 3 (1), 102-110
6. Сулаймонов, Ж. Б. (2020). Взгляды Абдуррахмана ибн Халдуна о развития общества и цивилизации. *Международный научно-практический журнал "Экономика и социум"*, 12, 79.
7. Bakhtiyorovich, S. J. (2023). Interpretation of the Approaches to the Concept of the State in the Ethical Views of Abu Zayd Abdurahman Ibn Khaldun. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 4(6), 161-164.
8. Sulaimanov, J. B. (2024). “АСАБИЙЙА”–АБДУРАХМОН ИБН ХАЛДУН ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА. *XXI Asr: Fan va ta’lim masalalari (XXI Vek: Voprosy nauki i obrazovaniya)*, 1, 50-59.
9. Bakhtiyorovich, S. J. (2023). Analysis of the Phenomenon of " Assabiya" In the Socio-Philosophical Concept of Abdurahman IBN Khaldun. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 4(6), 219-223.
10. Sulaymonov, J. (2024). ABUZAYD ABDURAHMON IBN XALDUN IJTIMOIIY FALSAFIY MEROSINING YO’NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(21), 653-661.